



TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

ЭКСПОРТИ БОРНИНГ ЭРТАСИ БОР

Бозор талабини билиш, рақобатбардош ва кундалик истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятининг ривожини таъминлайдиган муҳим жиҳатлардан бири саналади. Шунинг билан зангиоталик тадбиркор Рустам Исмоилов туманининг Эркин ҳудудида "Rum Plast" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. 2010 йилда иш бошлаган корхонада дастлаб 5 турдаги маиший истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилган. Ўша кезларда атиги 4 киши меҳнат қиларди.



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Ишни изчил ривожлантириш борасида тадбиркорга хитойлик мутахассисларнинг кўмаги кўл келиб, улардан ускуналарни бошқариш ва иш ҳажмини қандай ошириб бориш сир-асрорларини ўрганишди. Бугунга келиб корхона полиэтилен ва полимерларни қайта ишлаш – пластмасса қуйиш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга корхоналардан бирига айланган.

дейди корхона раҳбари Усмон Исмоилов. – Бугунги кунда корхонамизда маҳаллий хом ашёдан қарийб 150 турдаги сифатли ва арзон маиший буюм ва маҳсулотлар тайёрланмоқда. Корхонамиз замон талабларига тўла жавоб берадиган ахборот ва рақамли технологиялар билан жиҳозланган. 2018 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаштириш тизимининг "Мувофиқлик сертификати"га эга бўлганимиз эса ишимизни янада кенгайтиришда кўл келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

САММИТ СУРУРИ

Яна Қуёш Шарқдан чиқиб, оламга нур таратди, Башарият диққатини Самарқандга қаратди.

Тўй ўтқарди Ўзбекистон, саммит қилди ШХТ, Юртимизни юксалишнинг боши билди ШХТ.

Дунё кўрди ўзбек қурган мустақил бу давлатни Соҳибқирон пойтахт қилган Самарқандга савлатни.

Европаю Осиёни бирлаштирди бу саммит, Элбошилар бошин қўшиб, сирлаштирди бу саммит.

Қамраб башар қирқ фоизин, катта кучга айланди, Нодўстларнинг режалари бирдан пучга айланди.

Яна кўрди бутун олам бизнинг шахдам одимни, Белин маҳкам туккан Раҳбар, яна милён ходимни.

Ўзбекистон, юксалишнинг эшикларин очавер, Маънавият, тараққиёт уруғларин сочавер!

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Изҳор

Миннатдорлик мамнунияти

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўчмас из қолдирадиган шундай бир воқеалар бўладики, бутун умри давомида унга ширин хотираларни бахшида этади.



Менинг ҳаётимда ҳам шундай воқеа юз бердики, ҳали ҳамон ушбу кунларнинг шуқуҳи мени тарқ этгани йўқ. Жорий йилнинг 12 август кунинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шахрида ташрифи давомида улар билан учрашиш ва дилдан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим.

Мулоқот чоғида шахримизда, айниқса, "Янги ҳаёт" маҳалласида қисқа давр ичида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан аҳолимиз рози эканлигини тўққиланиб сўзлаб бердим. Бундай ишларда маҳалламиз фаолларининг ўрни катта эканлигини таъкидлаб ўтдим.

Президентимиз Бекобод шахрида амалга оширилаётган ишлар ҳали етарли эмаслигини, олдимизда халқимизни чинакамига рози қилиш учун улкан вазифалар турганлиги, бунинг учун молиявий кўмак берилишини айтиб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан катмарона меҳнатимиз юксак баҳоланиб, давлатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" ордени, шунингдек, "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони билан тақдирландим.

Албатта, бундай эътибор нафақат менга, балки жонажон диёримизнинг барча кекса ёшдаги отахон ва онахонларига, яъни нурунийларга кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир намунаси деб, биланам.

Яқинда эса маҳалламиздаги фаол 25 нафар нурунийларга яна бир ғамхўрлик кўрсатилиб, Республика-корлик ва ободонлаштириш ишларидан аҳолимиз рози эканлигини тўққиланиб сўзлаб бердим. Бундай ишларда маҳалламиз фаолларининг ўрни катта эканлигини таъкидлаб ўтдим.

Президентимиз Бекобод шахрида амалга оширилаётган ишлар ҳали етарли эмаслигини, олдимизда халқимизни чинакамига рози қилиш учун улкан вазифалар турганлиги, бунинг учун молиявий кўмак берилишини айтиб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан катмарона меҳнатимиз юксак баҳоланиб, давлатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" ордени, шунингдек, "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони билан тақдирландим.

Аҳмадjon РУСТАМОВ,
"Дўстлик" ордени соҳиби

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ҚИБРАЙ тумани "Наврўз" маҳалласидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби инвестиция дастури доирасида 6 млрд. 663 млн. сўм ҳамда саховатпеша хомийларнинг қўшимча маблағлари эвазига барча қўлайликларга эга замонавий бино кўринишида қад ростлади.

БўКА туман ҳокимлиги мажлислар залида туманда фаол меҳнат қилиб келатган ҳоким ёрдамчиларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташаккурномалари топширилди.

ТОШКЕНТ туманидаги 9-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабинининг 11-Б синфини тамомлаган 31 нафар битирувчиларнинг барчаси институт, университет, хусусий олий таълим муассасаси талабаси бўлдилар.

"Беш ташаббус олимпиадаси"нинг биринчи мавсумида голиблар қаторидан жой олган **ЧИРЧИК шаҳар** ёшлари учун янги спорт майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ЧИНОЗ туманидаги 21, 23, 28, 35, 36-умумтаълим мактабларига "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан компьютер жамланганларни топширилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги тегишли қарорига мувофиқ, вилоятимизнинг туман-шаҳарларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шароитларни яратиш бўйича самарали ишлар қилиняпти.



ИШСИЗЛИКДАН ПАНД-ЕГАНЛАР – ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР

Биргина солиқ органлари ходимлари томонидан шу йилнинг 31 август ҳолатига вилоят бўйича 49 минг 973 фуқаро мазкур йўналишда рўйхатга олинди. Жумладан, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, ахборот коммуникация йўналишлари, маиший

хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Худудлар бўйича: Бекобод туманида 3 минг 547 нафар, Тошкент туманида 3 минг 783 нафар, Чинозда 3

минг 8 нафар, Зангиотада 3 минг 187 нафар, Паркентда 3 минг 425 нафар, Янгийўл туманида 3 минг 69 нафар, Юқори Чирчиқда 2 минг 997 нафар ва Бўстонлиқда 2 минг 597 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатида.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

"OPEN BUDGET":

БИР ОВОЗГА... БИТТА ПЕПСИ



Жараён

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил ва сифатли маҳсулот олишнинг асосий негизи уруғчиликка боғлиқ бўлиб, уларни етиштириш, қайта ишлаш ҳамда навдорлик ва экинбоплик сифатларини назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агрисаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига бир қанча вазифалар юклатилган.



УРУҒ НАЗОРАТИ – ҲОСИЛ БАРАКОТИ

Республикада 2023 йил ҳосили учун жамғарилган уруғлик донни сифатли қайта ишлаш (тозалаш, саралаш, дорилаш, қадоқлаш) борасида олиб борилаётган ишлар билан кенг жа-

моатчиликини таништириш мақсадида инспекция томонидан "Ғалла – Алтер" АЖнинг Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" уруғлик тайёрлаш цехига пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари уруғлик цехи ва дала майдонларида бўлиб, уруғлик донни саралаш, дорилаш, қадоқлаш ва экиш

каби жараёнлар, ўрнатилган назорат тадбирлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

(Давоми 2-саҳифада) ▶



Бўстонликда дор йўллари бунёд этилади

Туризм

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

"Меҳмон уйлари" ҳудуднинг асл муҳити ва қиёфаси ақс этгани билан файзли

Паркент туманининг Кумушкон қишлоғида республикада биринчилардан бўлиб "Туризм қишлоғи" лойиҳаси амалга оширилди.



Ташкент вилоят ҳокими вазири вазири бажарувчи Зойир Мирзаев Кумушкон қишлоғида бўлиб, меҳмон уйлари шарт-шароитлари билан яқиндан танишди. Ҳозирги кунда, туманда 76 та оилавий меҳмон уйлари фаолият олиб бораётган бўлиб, яна 50 дан ортиқ оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича рўйхат шакллантирилган.

Вилоят раҳбари Сўқоқ

қишлоғидаги "Чашма" МФЙдаги эски уйларнинг табиий, асл кўринишини сақлаб қолган ҳолда, бу ерда хунарамандчилик, гострономик, агро, зиёрат туризмларини ривожлантириш заруригини таъкидлади. Тор кўчалардан ҳам муҳандислик-коммуникация тармоғини ўтказиш бўйича масъулларга бир қатор топшириқлар берди.

Ўз мухбиримиз

Ушбу меморандумда Ўзбекистонда инвестицион курилиш лойиҳаларини амалга ошириш ва дор йўллари эксплуатация қилиш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш, битим доирасида инвестицион лойиҳаларни оммалаштириш учун экспертларни жалб қилиш, дор йўллари қуришга мўлжалланган жойларни танлаш ҳамда ҳамкорликнинг техник ва молиявий даражадаги тафсилотларини аниқлаштириш учун мутахассислар гуруҳини юбориш ҳамда дор йўллари эксплуатация қилиш ва бошқариш бўйича ўқув курслари ташкил этиш кўзда тутилган.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги Ахборот хизмати

Туризм ва маданий мерос вазирлиги Ахборот хизмати

Туризм ва маданий мерос вазирлиги Ахборот хизмати

Ғамхўрлик

"САҲОВАТ" АҲЛИНИНГ ҲИММАТИ



Сергапликда кампирларни ҳам мот қилувчи зангиоталик кичкинтойларнинг суннат тўйларида толғоғочдан қамчи ва от қилишга ҳолат қолмади. Ҳомийларнинг "Саховат" маҳалласидаги ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган оилаларнинг 10 нафар фарзандлари учун ҳозирлаган совғалари кичкинтойларга бир олам шодлик улашди.



М. МУҲАМЕДОВА олган суратлар

Ўзувчи ён дафтаридан

Биз ажойиб ўзувчи дўстимиз Тўлқин Эшбек билан тўксонинчи йиллар бошида "Ўзбекистон матбуоти" журналида бир муддат бирга меҳнат қилганимиз. Бош муҳарриримиз Зиёд Исламович Есенбаев ёш бўлганимиз учун мен ва Тўлқинни "ўғилларим" дедди. Тўлқиннинг олдинроқ ишга олингани, ёши кичкина бўлса ҳам хушмадани яхши эплгани учун ўзига яқин олар, кўпинча қалтак меннинг бошимда синарди.

Кунлардан бир куни бош муҳарриримиз стационарга тушиб қолди. Бу ёқда масъул котибнинг онаси вафот этган. Ишхонада уч киши учун – байрам.

Автобусдан тушгандан кейин, тарвузни тизасида олиб ўтирган Тўлқин уни менга кўтартириб қўйди. Ярамас. Бу тарвуздан қандай қилиб қутулсам экан. Азали хо-

либ олишади. Хуллас, бир куни автобусда кетворган бир қизни кўрдим...
– Буни айтдингиз, кейин-чи...
– Ҳозир, эслаб олай...
– Кейин нима бўлди, кейин...
– Шошилманг, бу орадаги гаплар анча қизиқ. Абдуғани аканинг уйига қанча қолди?
– Яна икки юз қадамларча бор. Мен шошмасдан, икки юз қадам ерга етадиган ҳикояни бошламан. Тезда азали хонадон

– Энди, сиз менинг ҳикоямни эшитинг. Бир куни метрода...
Умуман Тўлқиннинг ишқий мавзудаги кўп гаплари (худди меники каби), орзуга айб йўқ, дегандай тўқима, хаёлот маҳсули. Бир куни ана шундай хаёлот маҳсуллари эшитган бир қишлоқдан келган акахоннинг бундай лаҳзаларни ўзи ҳам бошидан ўтказгани келиб, унга ёпишиб олибди.
– Майли-ю, аммо бу анча харажатли-да.
– Мана, пул бор!
– Унда мушуқлигинг осон экан, – дебди Тўлқин ноилоҳ ва улар дўкандан қолбаса, арақ, яна ул-бул харид қилишиб, йўлга тушибди.
Тўлқин бирор кўп қаватли уй ёнига етганларида, ҳамроҳига сиз шу ерда қараб туринг, мен бир шароитни билиб келай, дея кириб кетар экан. Пана жойда пича туриб, деразадан бегоҳат ҳамроҳини кузатиб, кейин шалвараганча чиқиб келаркан: хафа бўлманг, буниси бўлмаса, бошқаси бор...
Бундай "куруқ қайтишлар" орасида Тўлқин: "Нима дейсиз, ё уйга қайтамизми?" – деб сўраб кўяркан. Акахон эса: "Кўп дегандингиз-ку, яна излаб кўрайлик. Шунча жойдан келиб, қуруқ қайтиб кетмайин", дермиш.
Уч-тўрт соат у мавзедан-бу мавзегача ҳўп изгиларидан кейин, Тўлқин: "Ака, бугун овимиз юришмади. Энди уйга бориб, ён-бошлаб маишатни қиламиз, кетдик!" – дея уйга олиб кетибди.
Бунчалик сарсонгарчиликдан ўлардай чарчаган акахон ҳам арақнинг кайфи билан тезда тинч-тинч, ўнгидан дуч келмаган эҳтиросларга тушида тўғри келган бўлсам, ажабмас...

Оллоёр БЕГАЛИЕВ,
Ўзувчилар уюшмаси аъзоси

Тўлқинли ёлғонлар

Аммо, таомилга кўра раҳбарни зиёрат қилиш, Абдуғани аканикига фотиҳага ўтиб келиш лозим.
Тўлқин иккимиз бир ўқ билан иккита куёни қандай отишни мурожазалаб бораётиб, пўчоғи қалин кузги тарвузлар сотилаётганини кўриб қолдик. Стационардаги раҳбаримизга тарвуз ейиш фойдали дея, каттасини сотиб олдик. Энди олдимизда кимни биринчи кўриш кераклиги масаласи турарди. Азадан чиқиб, беморни кўргани бориш яхшими ёки аксинча? Қўлимиздаги тарвуз ҳар икки ҳолдаям бизга ҳалал бераётганди. Аза жойга тарвуз билан бориш... Раҳбар зиёратидан чиққач эса, азали хонадонга кириш учун яна орқага қайтиб келиш масаласи бор.
Охири аввал аздор ҳовлига ўтишга келишдик, шундоққина йўл усти, тарвузни йўл четидан сигарет сотиб ўтирадиган хотинларга ташлаб қирамиз.

надонга маҳаллани оралаб ҳали анча пиёда юриш керакка ўхшайди...
– Тўлқин, бир куни автобусда бир жонни кўриб қолдим.
– Ҳўш, хўш... Кейин-чи.
– О, бунинг тарихи узун, – мен тарвузнинг оғирлигига ишора қиламан. – Ҳам тарвуз кўтариш, ҳам ҳикоя қилиш осонмас.
– Беринг менга, – деди Тўлқин ва тарвузни ўзи кўтариб олди. – Ана энди қулоғим сизда.
– Шундай қилиб, – гап бошладим ҳикояни давом эттириш учун ўйлаб олишим керак, олдимизда икки хотин биз томонга келишмоқда. – Ҳозир, ановилар ўтиб кетсин.
– Уларни биз билан нима иши бор, – деди Тўлқин имиллаётган хотинларга норози қараб.
– Иши йўқ дейсиз хотинларнинг қулоғи ўткир бўлади, гапимизни эшитмасаям озгин қимирлашидан ҳаммасини би-



ҳам кўринади. Тарвузни йўл бўйидаги сотувчи жувонга қолдира-
миз.
– Охири айтмадингиз-ку.
– Охири қайтишда айтиб бераман. Жуда қизиқ эканми?
– Унчаликмас. Тарвуз ундан кўра оғирроқ.
– Қизиклари олдинда. Аввал фотиҳа ўқиб чиқайлик.
... Қайтишда, жа-а инсофимни еб қўймаганим учун ҳикоямни охирини бирор эллик қадамларда яқунлайман.
Ҳеч қандай висолсиз яқунланган ҳикоядан Тўлқиннинг хафсаласи пир бўлиб, тарвузни қўлимга тутқазади.

Сиз бунга нима дейсиз?

Инсоннинг ёзуви унинг савияси ва билимини дарров ошқор қилиб қўяди. Ҳарчанд ўзини билимли ва зукко қилиб кўрсатмасин, ёзуви уни барибир "сотади". Афсуски, бизда савод масаласи ҳануз оғриқли. Буни кўча-қўйдаги, ижтимоий тармоқлардаги ёзувлар исботлайди.

САВОДХОНЛИКНИНГ БИРИНЧИ БЕЛГИСИ

Бунақа одамларга "тўғри ёзгин" десангиз, "мен диктант ёзмайман", "мен имтиҳонда эмасман" ва ҳоказо баҳоналарни рўқач қилишади. Бу билан ўзингизни алдайсиз, саводсизлигингизни яширасиз, холос. 101 фоиз кафолат билан сиз имтиҳонда диктант ёзсангиз ҳам, тўғри ёза олмайсиз! Чунки инсон бир хилда ёзади, ёзув эса унинг билимига қараб такомиллашиб боради.

Хатосиз ёзадиган, жумлаларни тўғри туза оладиган одам тез кўзга ташланади ва унинг саводли одам эканлиги қандайдир бошқа бир текширувга ҳолат қолдирмайди. Баъзи ҳолатларда одамларнинг ёзувидан билимли ёки билимсиз экани борасида ҳулосалар чиқарилади.

Нима қилиш керак?
Китоб ўқиш керак! Тўғри ёзишда сиз она тили ва адабиёт фанларидан мутахассис бўлишингиз шарт эмас, айнан кўп китоб ўқийдиган одам бўлишингиз керак! Телефонга ажратган вақтингизни китоб ё газета ўқишга ажратсангиз, масала ҳал бўлади.
Қаёқдаги бефойда нарсаларни томоша қилишни бас қилиш керак! Бу қийин иш эмас, кунт керак холос. Фойдасиз нарсаларни томоша қилиш билан сиз ўзингизга берилган умр неъматини исроф қилаясиз, ҳавога совуряясиз.
Қани, энди айтинг-чи, куйидаги саволнинг жавобини ким билади?
Ўзбекистонда неча фоиз аҳоли китоб ўқийди?

**TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA**

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentская pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra'no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
Mas'ul kotib:
(71) 233-90-82
Bo'lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(71) 233-54-10
e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 21.00
Nashr ko'rsatkichi – 205.
Buyurtma G-935.
3 923 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taqoq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
123456